ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan | 2003 yil, 1 avgust, 31 (568)-son | Sotuvda narxi erkin

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ "2003 йилнинг биринчи ярмида алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва соҳада энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида" маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар хусусида маълумот берди.

Маърузада айтилишича, ўтган давр мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 72,1 млрд. сўмлик даромад олинди, шу жумладан, аҳолига 33,5 млрд. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 10,4 фоизга, хат жўнатмалари ҳажми 2,0 фоизга ошди. Шу билан бирга ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда жўнатмалар сони 33 фоизга, телеграммалар 13 фоизга, пул жўнатмалари 3 фоизга камайган. Асосий телефон аппаратлари сони жорий йилнинг 1 июлида 1645,7 минг донани ташкил этиб, ўсиш 17,2 минг донага тенг бўлди.

Ҳозири даврга сифатли алоқа хизмати таъминланмагани учун ўн нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бевосита алоқа корхоналари айби туфайли бўладиган шикоятлар 20 фоизга, жумладан, почта алоқаси бўйича 47 фоизга, электр алоқаси бўйича эса 19 фоизга камайди.

Ўтган давр мобайнида Лицензия комиссиясининг 22 та мажлиси бўлиб ўтди. Унда лицензия фаолияти бўйича 368 та масала кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ярим йил ичида ўн икки ҳолатда пенсия тўловларини ўзгартириш содир этилди. Ушбу ўзгаришлар ҳолатлари бўйича материаллар тергов органларига топширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида"ги қарорини бажариш хусусида Агентликда қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ижро интизоми қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ойма-ой мониторинг ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "2002-2010 йилларга мўлжалланган компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" дастури бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Агентлик таркибида тўққизта қўшма корхона фаолият олиб боради. Ушбу корхоналар томонидан ярим йил мобайнида 24,3 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарининг барча дебиторлик қарзлари 10543,3 млн. сўмни ташкил қилди. Алоқа корхоналарининг жорий йил, 1 июлгача кредитор қарздорлиги 18256,2 млн. сўмдан иборат бўлди. Кредитор қарздорликни камайтириш учун мунтазам мониторинг олиб борилмоқда. Шунингдек, маърузада соҳада амалга оширилган бошқа масалалар, бажарилажак ишлар ва келгуси режалар хусусида сўз юритилди.

Мажлисда Агентлик Бош директорининг ўринбосари А. Изосаров, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р. Зикиров, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш. Обидхўжаев , "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдиновлар сўзга чиқишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И.АҲМЕДОВ

РЕСПУБЛИКА ҲАФТА ИЧИДА

●Матбуотда "Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ эълон қилинди.

●Москвадаги "Варгиус" нашриётида профессор Л.Левитиннинг "Ўзбекистон: Каримов даври" номли китоби нашр этилди. Мазкур китоб муаллифнинг "Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида" китобининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашридир.

●Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган мустақиллик байрами тантаналарида қатнашадиган эстрада блокининг кўриги давом этмоқда.

●"Экосан" халқаро хайрия жамғармасининг Обод маҳалла йили дастури доирасида Оролбўйига йўл олган "Саломатлик" поезди Тошкентга қайтди. Улар саккиз кун мобайнида 4500 дан зиёд аҳолига тиббий ёрдам кўрсатдилар. "Саломатлик" сабаб Оролбўйида яшовчи минглаб оилаларга меҳр-мурувват кириб борди.

●Ўзбекистон миллий кутубхонаси хазинасида 130 миллион нусхадаги турли нашрлар мавжуд. Улар орасида мозийдан ҳикоя қилувчи ва маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд этувчи ноёб асарлар ҳам бор. Шулардан бири XIX асрда чоп этилган "Туркистон тўплами" китобидир. Кутубхонанинг энг нодир асарларидан ҳисобланган ва деярли 600 жилддан иборат ушбу китобнинг электрон каталоги яратилди.

●Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Куролли Кучлари академиясининг бу йилги битирувчиларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. 60 нафар магистрлар шу ернинг ўзида ҳарбий қисмларга йўлланмалар олишди.

●Мустақиллик байрами арафасида Чиноз туманида яна иккита қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилади. Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалигида 5 минг кишига хизмат кўрсатувчи шифохона қуриб битказилди. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигининг Яллама қишлоғида қурилаётган врачлик пункти эса 11 минг кишига хизмат қилади.

●Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирилган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. Йиғилишда қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши тўғрисида "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, "UZPAK" маълумотларни узатиш тармоғи давлат корхонаси бош директори М.Сангилов ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази бош директори Х.Соатовлар сўзга чиқишди. Маърузаларда ушбу қарорни бажариш учун қатор ишлар олиб борилгани, дуч келинаётган муаммолар, келгуси режалар хусусида фикр юритилди.

"Соҳада фаолият кўрсатаётган оператор ва провайдерлар томонидан лицензия келишуви шартларининг бажарилиши ҳақида" Агентликнинг Лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи А.Гатаулина ва Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Обидхўжаевлар маълумоти тингланди. Сўзга чиққанлар бу борада амалга оширилган ишларга тўхталдилар. Шунингдек, йирик корхоналар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, бажарилиши лозим бўлган юмушлар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

"Телевидение восита ва каналларининг рақамли системага ўтказилиши жараёнидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида" Агентлик Информацион технологиялар ва хизматлар бўлими бошлиғи Г.Гафурбекова, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази техник директори Б.Обидовлар ахборот беришди. Маърузачилар бу борада олиб борилган ишлар ва қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишди. Мазкур масала хорижий давлатларда қандай йўлга қўйилгани айтиб ўтилди ва республикамизда бу каби тизимни қандай жорий қилиш кераклиги ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

MUSTAQILLIK — ULUG` NE`MAT

ҲАРАКАТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

Мустақилликнинг 12 йиллиги ҳам кириб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз алоқа соҳасида юз берган муҳим воқеийлик Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони бўлди. Ушбу Фармонга биноан Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилган ва республикамиз алоқа корхоналарига малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси университет жамоаси зиммасига юклатилган эди. Албатта, университет бу вазифани уддалаяпти десам муболаға бўлмайди.

Олий ўқув юртини компютерлаштириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айни пайтда университетда 200дан ортиқ турли русумдаги компютер бўлиб, юзга яқини Интернетга уланган. Бундан ташқари, талабалар ҳамда ўқитувчилар учун учта электрон кутубхона хизмат кўрсатяпти. Бу кутубхоналардан фойдаланувчилар 50дан ортиқ фанларни ўз ичига олган маълумотлар базасига кириш, Интернет ва университет веб-сайти орқали исталган ахборотни олиш имкониятига эга. Шунингдек, университетимизда Иқтидорли талабалар ишини ташкил этиш ва мониторинг бўлими очилган бўлиб, мазкур бўлим ходимлари барча факултетлардан махсус танлов асосида талабалар гуруҳини шакллантириш билан шуғулланади. Албатта, бу саъй-ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Айни дамда "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларни амалга оширишнинг иккинчи, яъни сифат босқичи давом этяпти. Шу боис университет жамоасининг асосий эътибори таълим сифатини янада юксалтиришга, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга, шунингдек, ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш, бакалавр ва магистрларни халқаро стандартлар талабига мос тарзда тайёрлаш чоратадбирларини амалга оширишга қаратилган.

Н.МЎМИНОВ,
ТАТУнинг "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича биринчи проректори

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛАРИ ЙИҒИЛДИЛАР

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. Мажлисда кун тартибидаги қатор масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Агентлик Бош директори ўринбосари А.Избосаров "Кузатув Кенгаши Низомини тасдиқлаш тўғрисида" ва "Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида"ги масалалар юзасидан маъруза қилди. Маърузачи биринчи масала бўйича компаниянинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил, 19 апрелдаги "Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган компания Кузатув Кенгаши Низоми корпоратив ҳужжатларни ҳукумат қарори асосида юритиш мақсадида янги таҳрирда ишлаб чиқилгани ва ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун тақдим этилаётгани борасида, иккинчи масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарорида акциядорлик корхоналари Тафтиш комиссияси аъзоларининг асосий меҳнат фаолиятлари ушбу корхоналар билан боғлиқ бўлмаслиги белгиланганлиги, "Ўзбектелеком" АК Тафтиш комиссияси аъзолари эса айни дамда компания филиалларида меҳнат қилаётганликлари боис мазкур комиссиянинг янги таркибини сайлаш зарур эканлиги ҳақида маълумот бериб, аъзоликка тавсия этилган шахслар билан акциядорларни таништирди.

Шунингдек, йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Р.Юнусовнинг "Ўзбектелеком" АК Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдиновнинг "Халқаро аудиторни тасдиқлаш тўғрисида"ги маърузалари тингланди. Ҳ.Муҳитдинов ўз маърузасида "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш мақсадида (Молиявий маслаҳатчи – "Коммерцбанк" тавсиясига биноан) халқаро стандартда аудиторлик текширувини ўтказиш учун компания Кузатув Кенгашида "ПрайсвотерхаусКуперс" компанияси жалб қилиниши келишиб олинганлиги, бу компания "Катта тўртлик"дан жой олган халқаро миқёсдаги аудиторлик фирмаларнинг бири эканлиги, ушбу масаланинг акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ келиши борасида фикр юритди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган барча масалалар акциядорлар томонидан муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

У. ЙЎЛДОШЕВ

VILOYATLARDAN DARAKLAR

ЯНГИ ТЕЛЕФОН НУҚТАЛАРИ

Жарқўрғон тумани телекоммуникациялар боғламаси томонидан "Обод маҳалла йили"да қишлоқ меҳнаткашларига қулайлик яратиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бевосита аҳоли талаби инобатга олиниб, Какайди қўрғонидаги ҳарбий қисмда, Алишер Навоий номидаги ва "Сурхон" хўжаликларида шаҳарлараро сўзлашув шахобчалари ташкил этилди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳамда милиция таянч пунктлари тўлиқ телефонлаштирилди. Шунингдек, Жарқўрғон шаҳридаги 30та хонадонга телефон ўрнатилди.

Туман телекоммуникациялар боғламаси бундай ишларни яна бошқа жойларда ҳам давом эттириш ниятида.

Н.ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

"ПАХТАБАНК" МУШКУЛЛИК ТУҒДИРМОҚДА

"Фарғона почтаси" акциядорлик жамиятининг Зоҳирбек Юсупов директорлик қилаётган "Ровон" филиали меҳнат жамоаси олис тоғ этакларида жойлашган сўлим ва хушманзара Сўх тумани меҳнаткашларига почта хизмати кўрсатиш сифатини тобора яхшилаб бормоқда.

Филиал тасарруфида еттита бўлим мавжуд бўлиб, 28 нафар ходим аҳолига беминнат почта хизмати кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда бўлимларда хизмат турлари кўпайиб, мижозларга қулайликлар яратилмоқда. Аҳолидан табиий газ, электр энергияси, телефон, суғурта тўловлари учун ҳақ олиш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Матбуот нашрлари, хат-хабар ва телеграммалар ўз вақтида эгаларига элтиб берилмоқда. А.Абдурахмонов, Ҳ.Дўстматов, С.Шарофиддинов, О.Мирмўминов, А.Юсупов, Ф.Нишонов, М.Суннатов, О.Мирзабеков ва бошқа кўплаб почта фидойиларининг ўз касбига садоқати туфайли филиал ишлари тобора яхшиланиб бормоқда. Бироқ ҳозирда сўҳлик алоқачилар олдида ечимини топмаётган муаммолар ҳам бор. Гап шундаки, филиал томонидан туманда истиқомат қилаётган қарияларга ойига 88 миллион сўм атрофида пенсия тўловлари тарқатилади. Туман марказидаги "Пахтабанк"нинг филиалига ўз вақтида нақд пулнинг келиб тушмаслиги сабабли қарияларимизга пенсия тўловини ойма-ой, ўз вақтида элтиб беришда мушкуллик юзага келмоқда.

Соҳа мутасаддилари бу тўғрисида жиддийроқ ўйлаб, амалий ишга ўтсалар ёмон бўлмасди.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тоғолди аҳолисига алоқа хизматини яхшилаш мақсадида "Фарғона Телеком" филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси жамоаси астойдил меҳнат қилмоқдалар. Туман халқига ва бу ерда хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий қисм аскарларига қулайлик яратиш мақсадида чекка қишлоқ ҳудудларида "8" коди орқали сўзлашув имкониятини берувчи телефон шахобчалари очилмоқда.

Ҳозирги кунда туманнинг Максим Горкий АТС қошида, Ҳушёр, Шарқобод, Умбара қишлоқ марказларида очилган сўзлашув телефон шахобчалари хизматидан мижозлар беҳад миннатдор бўлишаётир.

Янги хизмат турининг йўлга қўйилишида боғлама директори А.Шеровнинг хизмати беқиёсдир.

А.АНБАРЖОНОВ,
Фарғона вилояти

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

"Жиззах Телеком" филиалида жамоа шартномасини жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни филиал директорининг биринчи муовини Ҳ.Мамедов олиб борди ва кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Маърузада жамоа шартномаси шартларининг бажарилишида йўл қўйилган камчиликлар, амалга оширилмай қолган ишлар ҳамда мавжуд нуқсонлар очиқ-ойдин таъкидлаб ўтилди. Йилнинг иккинчи ярмида камчиликларни бартараф этиб, янада юқорироқ натижаларга эришиш, ходимларнинг меҳнат шароитларини такомиллаштириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, меҳнат ҳақлари миқдорини шартномада белгиланган даражага етказиш, имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишларига имкон яратиш, шунингдек, уларнинг маданий дам олишлари ва соғликларини тиклаб олишларига эътиборни кучайтириш ҳамда корхонада маданий ва спорт соҳаларини жонлантириш ва бошқа кўплаб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг бўлим бошлиғи К.Муҳаммаджонова иштирок этди.

Н.БОБОЕВ,
Жиззах вилояти

SPORT

ВИЛОЯТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Бухорода вилоят алоқа ходимларининг анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ўтказилган спорт баҳсларининг ғолиблари иштирок этдилар.

Спартакиаданинг очилиш маросимида вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси У. Фахриддинова сўзга чиқиб иштирокчиларга омад тилади.

Мусобақа қатнашчилари бир қатор қизиқарли беллашувларда ўз кучларини синаб кўрдилар. Жумладан, стритбол бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган баҳслар "Бухоро Телеком" филиалининг Вобкент телекоммуникациялар боғламаси жамоаси фойдасига тугади. Иккинчи ўрин Ромитан телекоммуникациялар боғламаси йигитларига, учинчи ўрин эса "Бухоро почтаси" акциядорлик жамиятининг Галаосиё филиали вакилларига насиб этди.

Спартакиада давомида спорт мухлислари аёллар ўртасида бўлиб ўтган волейбол ўйинларини ҳам қизиқиб томоша қилишди. Таъкидлаш жоизки, бу борада "Бухоро почтаси" АЖ шаҳар филиали вакилларининг қўли баланд келди. "Бухоро Телеком" филиали ҳамда "Бухоро почтаси" АЖнинг Когон филиали волейболчи қизлари 2 ва 3-ўринлар билан кифояландилар.

Спартакиада дастуридан жой олган стол тенниси баҳсларида эса омад яна Вобкент телекоммуникациялар боғламаси алоқачиларига кулиб боқди. Кейинги ўринларни эса "Бухоро Телеком" филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг 3-АТС жамоаси ҳамда "Бухоро почтаси" АЖнинг Бухоро шаҳар филиали теннисчилари эгаллашди.

Тармоқ ходимлари вилоят спартакиадаси "Ёш алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилгани боис, ёш дам олувчилар ҳам ўз ота-оналари билан бирга оилавий спорт мусобақаларида иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ, умумжамоа ҳисобида 1-ўрин "Бухоро Телеком" филиалининг Вобкент телекоммуникациялар боғламаси жамоасига, 2-ўрин "Бухоро почтаси" АЖ нинг Бухоро шаҳар филиалига, 3-ўрин эса Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг 3-АТС вакилларига берилди.

Спартакиада ғолибларига вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

А.ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

ГУРУҲ БАҲСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун мини-футбол (футзал) бўйича ўтказилаётган мусобақаларнинг иккинчи гуруҳ жамоалари ўртасидаги сўнгги тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди.

Тош.ТТС – Агентлик – 0:3;
РРТМ – "Алоқабанк" – 3:0;
ДФХ – ТШТТ – 5:5.

Газетамизнинг ўтган сонларида биринчи гуруҳнинг якуний натижаларига тўхталиб ўтган эдик. Демак, биринчи гуруҳ ғолиблари ТАТУ ва "Тошкент Телеком" филиали жамоалари билан бирга иккинчи гуруҳ пешқадамлари "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ва "Давлат фелдъегерлик хизмати" жамоалари ҳам мусобақанинг чорак финал ўйинларига йўлланма олдилар. Уларни тармоғимизнинг барча футбол мухлислари номидан табриклаб, сентябр ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган чорак финал беллашувларида муваффақиятли иштирок этишларини тилаб қоламиз.

Иккинчи гуруҳнинг якуний жадвали

Ўрни	Жамоа	Ўйин	Ютуқ	Дуранг	Мағлубият	Т–н	Очко
1	ТШТТ	6	5	1	0	37-9	16
2	ДФХ	6	5	1	0	33-16	16
3	Агентлик	6	4	0	2	20-24	12
4	РРТМ	6	3	0	3	29-22	9
5	ТОШ.ТТС	6	2	0	4	25-35	6
6	"Ўзбектелеком" АК	6	1	0	5	9-28	3
7	"Алоқабанк" АТБ	6	0	0	6	11-30	0

* * *

Август ойи давомида Нукус , Бухоро, Жиззах ва Фарғона шаҳарларида вилоятлар ўртасида мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган. Вилоятлараро гуруҳлар таркибини эслатиб ўтамиз.

Нукус	Бухоро	Жиззах	Фарғона
Хоразм	Қашқадарё	Самарқанд	Наманган
	Сурхондарё	Сирдарё	Андижон
	Навоий		

Мазкур гуруҳларнинг ғолиблари мусобақанинг чорак финал баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

ЦИФРОВОЕ ТЕЛЕВЕЩАНИЕ : ПУТИ РАЗВИТИЯ

В настоящее время во многих странах мира ведутся работы по переходу аналогового телевещания на цифровой стандарт. Это обеспечивает: повышение качества и расширение объема и перечня услуг, предоставляемых населению в области телевизионного вещания; повышение объема передаваемой информации, что обеспечивает переход к телевидению высокой четкости; качественный прием во всей зоне охвата телевизионного передатчика; применение менее энергоемких телевизионных передатчиков; более эффективное использование радиочастотного спектра.

С учетом имеющейся технологии производства, потребностей рынка и научных достижений в мире разработаны и применяются следующие стандарты цифрового телевещания:

ATSC (Advanced Television System Committee) – принято в США, Канаде, Корее, Аргентине и на Тайване;

ISDB-T (Integrated Services Digital Broadcasting-Terrestrial) – принято в Японии и Бразилии;

DVB-T (Digital Video Broadcasting-Terrestrial) – принято практически во многих Европейских странах, Австралии, Сингапуре, Индии, ЮАРе, Новой Зеландии, Малайзии, Филиппинах и Таиланде. Во многих странах СНГ идет подготовительная работа по принятию данного стандарта.

В большинстве развитых стран мира переход на цифровые методы телевещания проводится под особым контролем государства, причём во многих странах данные работы финансируются из бюджетных средств.

Например, в России планируется переход от аналогового к цифровому вещанию до 2015 года с выделением для этого проекта из бюджета правительства около 3 миллиардов долларов.

Таким образом, в мире осуществляется планомерный переход на цифровое телевещание с учетом сложившихся условий, финансового и промышленного потенциала страны, а также потребности пользователей в данной услуге.

Для перехода на цифровое телевидение необходимо решить следующие вопросы: установка цифрового оборудования в студиях телекомпаний, создание цифровой сети передачи, модернизация передатчиков, поставка или производство цифровых тюнеров и цифровых телевизоров, закрепление частот.

Важной социальной проблемой внедрения цифрового телевидения является ограниченная возможность населения ряда стран в приобретении и установке цифровых телевизионных приемников или соответствующих приставок (в настоящее время цена цифровой приставки к аналоговому телевизору составляет не менее 50 долларов США). Практически отсутствует соответствующее цифровое студийное оборудование у коммерческих телестудий эфирного и кабельного телевидения.

В последние годы Узбекское Агентство связи и информатизации провело определенную работу по переходу к цифровому телевещанию. Государственная комиссия по радиочастотам рассмотрела вопрос "О закреплении полос радиочастот для развития цифрового телевизионного и радиовещания" с выработкой рекомендации по принятию в Республике Узбекистан стандартов цифрового телевидения DVB-T и созданию в г. Бухаре опытной зоны по цифровому телевещанию для практической проработки многих вопросов.

В целях защиты интересов Узбекистана на Среднеазиатском регионе на заседании ГКРЧ от 29 апреля 2003 года рассмотрен и одобрен "План развития цифрового телевизионного вещания в Республике Узбекистан (План распределения частот)".

В рамках модернизации сети подачи теле-радиопрограмм Республике Узбекистан по проектам OECF и JBIC будет обеспечена подача цифровых теле-радиовещательных сигналов до районных центров включительно с использованием волоконно-оптических линий связи и цифровых радиорелейных линий. При этом будет обеспечено использование этих цифровых каналов не только Телерадиокомпанией Узбекистана, ЦРРТ, но и коммерческими теле-радиостудиями.

ЦРРТ осуществляет проект по модернизации парка телевизионных передатчиков в рамках проекта модернизации теле-радиовещательного комплекса Ташкентской телебашни и проекта модернизации теле-радиовещательных передатчиков в пяти областях по японскому кредиту JBIC. При этом предусмотрена возможность работы этих передатчиков в цифровом режиме после замены отдельных узлов и блоков.

Теле-радиокомпания Узбекистана, как основной государственный заказчик, только в 2000-2001 годах произвела модернизацию студийного комплекса в г. Ташкенте с переходом на формирование выходного цифрового сигнала.

Учитывая вышеизложенное, следует отметить, что в республике созданы начальные условия для проведения опытных работ по переходу к цифровому телевещанию. В дальнейшем же предстоит решить ещё немало финансовых, научных, технических, производственных и организационных вопросов.

Следует отметить, что на протяжении переходного периода, возможно, будут параллельно существовать аналоговое и цифровое эфирное вещание. Операторы будут получать прибыль также за счет дополнительных интерактивных услуг. Именно интерактивные услуги, при условии принятия стандарта МНР (домашняя мультимедийная платформа), должны содействовать развитию цифрового эфирного телевидения. Зрители будут иметь в основном бесплатный доступ к телепрограммам цифрового телевидения (как и при аналоговом эфирном телевидении), но за использование дополнительных преимуществ — интерактивных услуг — нужно будет вносить дополнительную плату. Для большей экономической эффективности целесообразно внедрение ЦТВ с одновременным вещанием значительного количества программ (по разным данным как минимум от 9 до 22 ТВ - программ).

Кардинальное решение поставленных задач связано с разработкой и реализацией Концепции цифрового телерадиовещания в Республике Узбекистан с решением возникающих при этом социальных задач.

Г.ГАФУРБЕКОВА,
начальник отдела информационных технологий и услуг Агентства

СЕРТИФИКАЦИЯ В СФЕРЕ ИКТ

Сертификация в сфере информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) всегда была вопросом внутренней политики. Мировой опыт свидетельствует о наличии множества жизнеспособных подходов к построению системы сертификации. Эти подходы выбраны с учетом уникальных юридических, технических, административных и политических условий каждой отдельной страны. В результате в мире используются разнообразные технические требования, методы тестирования и процедуры сертификации, которые применяются при продаже и производстве товаров в сфере ИКТ. При этом в мировой практике выделяются следующие основные моменты.

Доступность и полнота информации.

Изготовители и другие потенциальные субъекты сертификации должны иметь доступ к информации для ясного представления требований и процедур, которым они должны соответствовать и следовать. Элементы процедур должны быть четко обозначены: ясно определены процедуры принятия и создания требований; четко представлены технические требования; обеспечена общественная доступность соответствующих документов.

Участие представителей бизнеса в определении требований помогает гарантировать, что требования осуществимы и справедливы. Например, американская Федеральная Комиссия по связи обеспечивает возможность бизнеса комментировать предложенные правила. ЕС распространяет проекты директивы также для общественного обсуждения. Европейский Институт Стандартов по передаче данных, Европейский институт стандартизации в области связи являются открытыми для рассмотрения и учета предложений всех предпринимателей Европы, заинтересованных в сфере определения стандартов передачи данных, включая провайдеров, изготовителей, и пользователей. Министерство промышленности Канады, которое управляет канадской программой вложения, также рассматривает предложения общества по изменению нормы. В Гонконге Агентство по телекоммуникациям создало Комитет по стандартам в сфере телекоммуникаций из промышленных экспертов для содействия развитию стандартов. На Филиппинах рабочие группы из промышленных представителей и правительственных должностных лиц рассматривают проекты соответствующих нормативных правовых актов в сфере стандартизации.

Общественная доступность информации о технических требованиях, процедурах контроля и иных процедурах упрощает их прохождение и ускоряет развитие новых технологий. Американская Федеральная Комиссия по связи издает свои правила в американском своде федеральных нормативных актов, имеющемся во многих библиотеках и иных источниках свободного доступа. Федеральная Комиссия по связи также выпускает общественные комментарии по проектам, а также принятым актам.

Своевременность.

Сертификация, как и любой принудительный контроль, должна быть разумно быстра, для того, чтобы технология не устарела к тому времени, когда она появится на рынке. Это одна из причин, по которым некоторые страны, такие, как государства - члены ЕС, Соединенные Штаты, Япония и другие разрешают самоконтроль изготовителя и самостоятельную сертификацию для некоторых типов оборудования в сфере ИКТ. Как было отмечено, ясно определенные процедуры и технические требования, доступные соискателям сертификатов, также помогают обеспечивать своевременность их получения.

Разумность затрат.

Стоимость сертификации должна быть разумна и четко определена. Чрезмерные затраты по контролю препятствуют выходу новых изделий на рынок, поскольку уменьшают потенциальную прибыльность. Непредсказуемые или высокие затраты также вводят неопределенность в проведение маркетинга изделий в стране, потому что изготовители не могут точно оценить требуемые инвестиции и вероятность получения дохода от инвестиции. Это имеет особенно важное значение для специализированной продукции (телефонные терминалы, коммутаторы), которые не пользуются массовым спросом и являются дорогим промышленным оборудованием. В то же время это важно и для товаров массового потребления, в случае если рынок в стране обладает небольшим потенциалом.

Последовательность процедур оценки соответствия.

Способность изготовителя или поставщика создавать надежные бизнес-планы также частично зависит от четкости и последовательности процедур оценки соответствия. Своевременное оповещение участников рынка об изменениях нормативной базы значительно упрощает бизнес-планирование. Далее, изготовители должны иметь возможность определить время, которое требуется для получения сертификата с тем, чтобы они могли планировать и выполнять деловые операции. Например, если изготовитель ожидает, что сертификация займет два месяца, но вместо этого потребуется шесть месяцев, он не сможет вернуть вложенные средства из-за задержки выпуска продукции. Задержка в выпуске продукции также может стать причиной потери изготовителем конкурентоспособности, которую новое или инновационное изделие могло создать ему на рынке.

(Продолжение следует)

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

"Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ" қўшма корхонаси ташкил қилинганида телекоммуникация хизмати кўрсатиш лицензиясини олган вилоятлар ҳудудларидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини ўз оталиғига олган эди. Қўшма корхона 2002 йили қайта ташкил этилганидан сўнг ҳам ҳомийлик мақомини сақлаб қолди.

Корхона раҳбарлари бу ишга қўл урмасдан аввал мазкур йўналишдан фойда олиб бўлмаслигини, ҳар мавсумда оромгоҳларни тайёр ҳолатга келтириш анчагина харажатга тушишини ва хориж кредитига келтирилиб ўрнатилган замонавий ускуналарнинг қарзини тўлаш зарур бўлиб турган пайтда бу қатор мушкулликлар келтириб чиқариши мумкинлигини яхши билишарди. Шундай бўлсада, телекоммуникациялар соҳасидаги қўшма корхоналар орасида биринчи бўлиб хизматдан тушаётган маблағнинг бир қисмини фойда олишга йўналтириш ўрнига ўсиб келаётган авлоднинг соғлигини таъминлашга қаратди. Таъкидлаш жоизки, айни дамда ҳам "Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ" телекоммуникациялар тармоғидаги хориж инвестициялари асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар орасида ёзги дам олиш оромгоҳларини қарамоғига олган ягона корхона бўлиб турибди. Бунга сабаб ҳам битта — фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Шу ўринда, бундай эзгу ишлар йўлида "ЎЗИ" ҚҚни қўллаб-қувватлагани учун хорижий инвестор "Бакри коммуникейшн корпорейшен" (БКК) Индонезия компанияси номига миннатдорчилик билдирсак ортиқчалик қилмайди.

"ЎЗИ" ҚК да 2003 йил ёз мавсумига тайёргарлик ҳар галгидек, 2002 йил мавсуми якунланиши билан ноқ бошлаб юборилди ва мавжуд муаммо, камчиликлар ўрганилиб, кейинги мавсум тараддуди юзасидан режалар тузилди. Ана шу ўз вақтида тузилган режа таъмирлаш, спорт ва маиший хизматларни алмаштириш учун керакли маблағни ажратишга ёрдам берди. Жойлардаги алоқа корхоналари билан ҳамкорликда ёзги мавсумда қанча бола дам олиши аниқланди. Шу асосда "ЎЗИ-Жиззах" филиали зиммасига 210 нафар болаларнинг соғлигини тиклаш вазифаси юклатилди. "ЎЗИ - Қарши" филиалига эса 400 бола биркитилди.

ҚК филиаллари оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлашда касаба уюшмаси асосий ташкилотчи эканлигини ҳисобга олиб, филиалларда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, филиал раҳбарлари, ҚК касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ва бошқарув аппарати масъул ходимлари билан ҳамкорликда қўшма йиғилишлар ўтказди. Йиғилишларда оромгоҳларни шай ҳолатга келтириш дастури қабул қилиниб, йўлланмаларнинг нархи, оромгоҳ тарбиячилари жамоаси белгилаб олинди.

"ЎЗИ-Қарши" филиали таъмирлаш ишларини ўтказиш, ётоқхона ва ошхона жиҳозлари сотиб олишга 8,5 млн. сўм, шунингдек, мебел таъминотига 3 млн. 630 минг сўм миқдорида маблағ сарфлади. Ҳозирда филиал ёзги оромгоҳида мавсум ниҳоялаб бормоқда ва алоқачиларнинг 335 нафар фарзандлари бу ердан ўз соғлиларини тиклаб қайтишмоқда.

"ЎЗИ-Жиззах" филиалида "Алоқачи" оромгоҳини мавсумга тайёрлаш учун 9 млн. 837,6 минг сўм ажратилди. Бу ерда икки смена давомида 170 нафар бола дам олди. Шунингдек, жорий йили болаларни бошқа филиал оромгоҳларига дам олишга жўнатиш аньанаси бошланди. Жумладан, "ЎЗИ-Самарқанд" филиали алоқачиларининг фарзандлари биринчи сменада "ЎЗИ-Қарши" оромгоҳида, иккинчи сменада эса Зомин тоғларидаги "ЎЗИ-Жиззах" филиали оромгоҳида дам олишди.

Болаларнинг кўнгилли дам олишида тарбиячиларнинг ҳам аҳамияти катта, албатта. Касаба уюшмаси ҳамкорлигида ўтган йиғилишда оромгоҳлар шахсий таркибини тузишда "ЎЗИ-Қарши" "Алоқачи" оромгоҳи тажрибасидан фойдаланишга келишиб олинди. Мазкур оромгоҳ раҳбари вазифасида 11 йилдан буён Китоб туманидаги 13-мактаб директори Н.Ходиев ишлаб келмоқда. У ўқув йили давомида ўқитувчилар ичидан рассомчилик, мусиқа ва спортга қобилияти мавжуд бўлганларини тарбиячиликка танлаб олади. Болалар таътилни кўнгилли ўтказишида оромгоҳдаги китоб жамғармаси, спорт майдончалари ва шинам дам олиш хоналарининг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳам назардан четда қолмаган.

Оромгоҳлар фаолиятини ҚК Бош директори Ҳ.Ҳакимов доимий равишда назорат қилиб боради. У ҳар сменада оромгоҳларга ташриф буюриб, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш борасида тегишли кўрсатмалар беради. Айнан Ҳ.Ҳакимовнинг кўрсатмаси билан тунги дам олиш олдидан шарбат, сутли маҳсулотлар шаклидаги қўшимча овқатланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, бу эзгу ишларда "Ўзбектелеком" АК томонидан ҳам баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шахсан "Ўзбектелеком" АК Бош директори Ҳ.Муҳитдиновнинг топшириғи билан "ЎЗИ-Жиззах" оромгоҳига дизел-генератор ажратилди. Бу дам олиш масканини доимий электр билан таъминлаш муаммосини ҳал этди.

Оромгоҳлар иши вилоят ҳокимликларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган ва керак пайтда улар томонидан ёрдам қўли чўзилмоқда. Бироқ мазкур йўналишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозирда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қўшма корхона раҳбарияти, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда "ЎЗИ-Жиззах", "ЎЗИ-Қарши" филиаллари касаба уюшмаси қўмиталари ёзги дам олишни ташкил қилиш бўйича бор имкониятларни ишга солиб, уни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.

Р.ФАЙЗУЛЛИН,
"ЎЗИ" ҚК касаба уюшмаси қўмитаси раиси

ИРОҚ: ҚИДИРУВ ТЎХТАГАНИ ЙЎҚ

АҚШ махсус бўлинмалари иштирокида Бағдоднинг Ал-мансур мавзесида рейд ўтказилди. ВВС тарқатган хабарларда айтилишича, текширув давомида 5 нафар ироқлик ўлдирилган, яна бир нечтаси жароҳат олган. Бироқ рейдда Саддам Ҳусайн қариндошларидан бирининг уйига яширингани тўғрисидаги разведка маълумоти тасдиқланмади. Шунингдек, Тикрит шаҳрида ҳам собиқ президентни топиш мақсадида бир неча операция ўтказилди. Вашингтон вакили Ричард Майерснинг билдиришича, ўғилларри Удай ва Қусай ўлдирилгач, собиқ диктатор ҳақида маълумот беришни истовчилар сони кўпайган. "Ироқ — жуда катта мамлакат, бироқ биз албатта, Саддам Ҳусайнни топамиз", деган Майерс журналистларга берган интервюсида. АҚШ томонидан қўйилган бошқарувчи Пол Бремер эса охирги пайтда Америка аскарларига қарши ҳужумлар кўпаяётганидан хавотирда эканини билдирган.

ФИЛИППИН: ИСЁНЧИЛАР БИЛАН СУЛҲГА ЭРИШИЛДИ

Ниҳоят, Филиппин раҳбарияти ҳукуматга қарши бўлган исёнчи офицерлар билан келишувга эришди. Ҳарбийлар томонидан ҳукумат биноларига ўрнатилган портловчи моддалар зудлик билан зарарсизлантирилди. Бир муддат аввал ҳукуматни коррупцияда айблаган ҳарбийлар қуролли қўзғолон бошлаб, пойтахт Манила даги айрим объектларни эгаллаб олган эдилар. Филиппин Президенти Глориа Арроя ҳонимнинг билдиришича, мамлакат тинчлигини бузган қўзғолончилар тез кунда қилган жинояти учун суд олдида жавоб беради.

ҚОЗОҒИСТОН ВАЛЮТАСИ ЙИРИКЛАШДИ

Ўтган куни мамлакат пойтахти Остонада Қозоғистоннинг янги 10000 тангалик қоғоз пули тақдимоти бўлиб ўтди.

Пулнинг бир томонига буюк аллома Аҳмад Яссавийнинг, иккинчи томонига эса йўлбарс тасвири туширилган. Марказий Банк раиси жаноб Марченконинг таъкидлашича, пулнинг йириклашуви инфляция оқибатида келиб чиққани йўқ, аксинча, мамлакат иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиши ва аҳоли ойлик иш ҳақининг ошиши билан боғлиқ. Хусусан, ўтган йили мамлакат ялпи миллий маҳсулоти киши бошига 1650 АҚШ долларига тенг бўлса, иқтисодий ўсиш 13 фоизни ташкил қилган. Бу эса дунёдаги энг юксак кўрсаткичлардан биридир. Мамлакат пул бирлиги АҚШ долларига нисбатан тобора қувватланиб боряпти. Бир доллар ўтган йили 156 тангага қадар кўтарилган бўлса, ҳозирги кунда 149 тангага тенг. Янги 10000 тангалик қоғоз пулнинг қиймати тахминан 65 долларни ташкил қилади. Маълумот учун: мамлакатда ўртача ойлик маош 20000 танга атрофида.

ГЕРМАНИЯДА LINUXГА ҚИЗИҚИШ КУЧЛИ

Федерал ва маҳаллий ҳукумат органларига очиқ дастур таъминоти етказиб бериш тўғрисида Германия ички ишлар вазирлиги ва IBM компанияси ўртасида битим имзоланганидан бир йил ўтиб, ушбу мамлакатнинг 500 дан ортиқ юқори ташкилотлари Linux хизматидан фойдаланишга ўтишди.

Германия Ички ишлар вазири Отто Шили очиқ дастур таъминотини давлат тизимларига жалб этиш муваффақиятли амалга ошаётганлигини маълум қилган. "Бунга рақамлар мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин", — дейди у.

Ўтган йилнинг июн ойида Шили ва IBM Германия бўлими бошлиғи Эрвин Штаудт шартнома имзолашганди. Шартномага кўра, агар ҳукумат ташкилотлари SuSe Linux (ушбу дистрибутив Германияда ишлаб чиқарилмоқда) операцион тизимидан фойдаланишса, уларга IBM компютерларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Дастур ташкилотчилари эришилаётган ютуқлар ҳақида маълум қилишмоқда. Жумладан, Швабиш-Халл (Баден-Вюртемберг) шаҳри давлат хизматидагилар тўлиқ Linuxдан фойдаланишга ўтган Европадаги илк шаҳар бўлди. Computer World хабар беришига, Мюнхен (Бавария)да 14 минг атрофидаги компютер очиқ дастур таъминотидан фойдаланишга ўтказилган.

МУШУК БИЛАН СУҲБАТ

Японияннинг ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи Takara компанияси итлар "тили" таржимони билан муваффақият қозонгач, мушуклар "тили"ни таржима қилувчи ўйинчоқ-қурилма ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўраётганини маълум қилган. Ноябр ойидан бозорга чиқарилиши кутилаётган ўйинчоққа Meowlingual деб ном беришди. Катталиги кафтдек келадиган ушбу таржимон мушукнинг миёвлаши таржимасини экранга ёзади. Reuterнинг хабар беришича, унинг бўлажак нархи 8800 йен (74,6$)га тенгдир.

Internetdan olindi

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

В целях наиболее полного использования творческого потенциала рационализаторов и изобретателей в решении технических задач в сфере связи и информатизации, выявления лучших рационализаторов и изобретателей с 15 апреля по 1 декабря 2003 года объявлен республиканский конкурс на "Лучшее рационализаторское предложение и изобретение в сфере связи и информатизации".

В конкурсе могут принять участие акционерные компании, предприятия, организации и другие хозяйствующие субъекты, осуществляющие деятельность в сфере связи и информатизации.

Итоги конкурса будут подведены 15 декабря 2003 года.

Материалы на конкурс принимаются до 15 ноября 2003 года по следующему адресу:г. Ташкент, ул. А.Толстого,1. "Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана".

Тел: (998-71) 136-37-34.

С формами бланков для оформления конкурсных работ можно ознакомиться на сайте www.nto.cc.uz

Приглашаем всех желающих принять участие в конкурсе на "Лучшее рационализаторское предложение и изобретение в сфере связи и информатизации".

Авторы лучших работ будут награждены денежными премиями и Почетными грамотами.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 4 — 10 август учун

TVI, TVII, TVIII, TVIV, ОРТ, РТР, НТВ

ДУШАНБА, 4

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Аждодлар мероси».
9.45 «Дунёқараш».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
12.25 , 14.30 ТВ анонс. Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
12.30 1. «Улғайиш поғонолари».
2.«Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.30 ТВ клип.
13.40 «Портретга чизгилар».
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
14.35 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.25 «Яхшилик».
15.55 «Камила». Телесериал.
16.25 «Чорраҳа».
16.45 «Покахонтас». Мультсериал.
17.35 «Ифтихор».
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Олимпиададаги Ўзбекистон одимлари».
18.35 «Қалб гавҳари».
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 «Ватан мадҳи».
21.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Тарих кўзгуси».
22.25 ТВ клип.
22.35 «Япония турмуш тарзи». Хужжатли телесериал премьераси.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» почтаси.
18.15 Белида белбоғи борлар.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ – анонс.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Илдиз ва ярпоқ.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Гвадалупе». Телесериал.
21.20 Сув - ҳаёт манбаи.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 -.23.40 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Хўрозтепалик миршаб».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.15 «ТТВда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-қадамлар».
21.50 ТТВда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
22.10 «Avto-news».
22.50 «Кинонигоҳ. «Ягуар».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

"Халқаро" телеканал TV IV

БИРИНЧИ КАНАЛ

6.30 - 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени қутлил».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Тутинган ота». Сериал.
21.35 «Бизнес ревю».
21.40 «Ҳинд оҳанглари».
22.05 «Қалбим чечаги». Сериал.
22.55 «Ахборот».
23.30 Кинематограф. «Катта бизнес». Бадиий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05 Фильм «Морской волк»
9.50 «Путешествия натуралиста»
10.20 «Ералаш»
10.40 Следствие ведет Колобков
11.15 Детектив «Ипподром»
13.15 Э.Радзинский. «В России все секрет... и ничего не тайна». Фильм 1-й
14.15 Комедия «Жадность»
16.30 Документальный детектив. «Стрела Купидона».
17.30 «Шутка за шуткой».
18.00 Жди меня
19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
20.00 Время
20.30 Премьера. Семейная сага «Крестный отец» (Полная версия)
21.35, 22.55 Церемония закрытия музыкального фестиваля в Юрмале
22.30 Ночное «Время»
00.10 «Подводный мир Андрея Макаревича»
00.40 Сериал «Тысячелетие»

РТР

2.45 «Доброе утро, Россия!».
5.45 Детектив «Карибская тайна».
7.45, 14.20, 16.50, 1.50 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00 Вести.
8.20 «Короткое замыкание».
9.20 «Экспедиция с Иваном Затевахиным».
10.15, 13.45 «Экспертиза».
10.30 Вести недели.
11.20 «Что хочет женщина».
12.10 Сериал «Семейные тайны».
13.15 «Простые истины». Телесериал.
14.50 «Вся Россия».
15.05 Вести-спорт.
15.20, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
17.55 Сериал «Каменская. Стечение обстоятельств». 1-я серия.
19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
20.00 «Мифы без грифа». «Диктатор Крыма».
20.55 Комедия «Про бизнесмена Фому».
22.30 «Футбол России».
23.00 Фильм «Две стороны экрана».
0.45 «Дорожный патруль».
0.55, 2.15 Канал «Евроньюс» на русском языке.

НТВ

5.00 УТРО на НТВ
7.55, 12.35 Боевик «Агент национальной безопасности-2»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 Комедия « Русский бизнес»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.30 «Страна советов»
13.45 КРИМИНАЛ
14.35 Сериал «Семнадцать мгновений весны»
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.25 «Внимание. розыск!».
18.35, 22.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
19.50 Сериал «Крот», 1 серия
21.35 Сериал «Клан Сопрано»
23.55 «Страна и мир».
00.25 «Россия в глобальном мире. Плата за вход».

СЕШАНБА, 5

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм»нинг намойиши: «Янгиланиш йўлида».
9.15 «Заблар сехри».
9.40 «Буюк аждодларимиз».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Чиполлино». Бадиий фильм.
11.45 «Нурли манзиллар».
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 , 14.40 ТВ анонс.
12.30 «КиноТеатр».
12.50 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».
13.10 А. Каҳҳор. Ҳажвий новеллалар.
13.50 ТВ клип.
14.10 «МУНОСАБАТ».
14.45 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.35 «Адабий жараён».
15.55 «Камила». Телесериал.
16.25 ТВ клип.
16.30 «Покахонтас». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.45 «Олтин бешик».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Ватан мадҳи».
21.30 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.00 ТВ клип.
22.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик»--«Пахтакор».
23.00 ТВ клип.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

"Ёшлар" телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 21- қисм.
10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.Бахтли болалик.
10.45 «Мульттомоша».
11.00 Саломатлик сирлари.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.40 Ўйна, болажон, ўйна.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.35 «Австралиянинг ёввойи табиати». Хужжатли сериал 3-қисм.
16.25 ТВ – анонс.
16.30 «Сирли қоинот». Мазрифий фильм 3-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Беш бармоқ.
17.25 Мультфильм.
17.45 Таянч.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Қўли гул уста.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Гвадалупе». Телесериал.
21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Озод юрт фарзандлари».
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут. 2.Теннис.
23.45 – 23.50 Хайрли тун.

"Тошкент" телеканали TV III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Хўрозтепалик миршаб». /Якунловчи/.
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.30, 20.00, 21.30, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Химоя».
19.15 «ТТВда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
21.10 «Хамшаҳарлар».
21.50 «Туризм ҳақида».
22.20 ТТВ да сериал «Қайсар ва довюраклар».
23.05 Кинонигоҳ: «Кит ови».
00.40.00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

"Халқаро" телеканал TV IV

БИРИНЧИ КАНАЛ

6.30 - 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести-спорт».
16.20 «Хаёллар ороли». Сериал.
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Машҳурлар. С. Карпинская».
17.50 «Аждодлар хазинаси». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Тутинган ота». Сериал.
21.35 «Бизнес ревю».
21.40 «Х-Спорт».
22.00 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.10 «Қалбим чечаги». Сериал.
23.00 «Ахборот».
23.35 Кинематограф. «Қўли гул аёл». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Многосерийный фильм «Королева Марго»
9.55 «Шутка за шуткой».
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Детектив «Убийство в старом стиле»
12.45 «Человек, который встретил Бога». Док.ильм
13.15 Э.Радзинский. «В России все секрет... и ничего не тайна». Фильм 2-й
14.15 Документальный сериал «Дикие штучки»
14.40 Комедия «Господин-ошибка»
16.30 Документальный детектив. «Дуэль на Северном Клондайке».
17.20 «Кумиры». Светлана Карпинская
17.50 Многосерийный фильм «Сокровища мертвых»
20.00 Время
20.30 Премьера. Семейная сага «Крестный отец»
21.35 Сериал «Шпионка»
22.30 Ночное «Время»
22.55 «На футболе»
23.25 «Русский экстрим»
23.55 Боевик «Черный октябрь»

РТР

2.45 «Доброе утро, Россия!».
5.45, 17.55 Сериал «Каменская».
6.50 Сериал «Цыган».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00 Вести.
8.20 «Короткое замыкание».
9.20, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2»
10.15, 13.45 «Экспертиза».
10.30, 14.50, 23.05 «Дорожный патруль».
10.45, 15.20, 17.30 Вести-Москва.
11.20 «Что хочет женщина».
12.10 Сериал «Семейные тайны».
13.15 «Простые истины». Телесериал.
15.05 Вести-спорт.
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 ПРЕМЬЕРА. «Мифы без грифа».
20.55 Фильм «Рай обретенный».
23.05 Сериал «От Земли до Луны»
0.10 Мелодрама «Перекрестки».
1.00, 2.15 Канал «Евроньюс» на русском языке.

НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05 Сериал Жил-был я...»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 Фильм «Личное дело судьи Ивановой»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.30 «Страна советов»
12.35, 19.45 Сериал «Крот»
13.45 Криминал
14.35 Сериал «Семнадцать мгновений весны».
16.30 Сериал «Скорая помощь-3»
17.25 Документальная драма «Преступление и наказание».
18.35, 22.40 «Сериал «Улицы разбитых фонарей»
21.35 Сериал «Клан Сопрано»
23.55 «Страна и мир».
